



Россияда ишлаб чиқилган гўшт консерва махсулотларида чўчка ДНКси аниқланди. Бу ҳақда Козогистон соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилди.

Козогистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг жамоат соғлиғини химоя қилиш кўмитаси талабга жавоб бермайдиган «нотўғри» консерва ва махсулотларни аниқлаш мақсадида йил бошидан бери 36 минг номдаги озик-овқат махсулотлари ва халқ истеъмоли молларини харид қилган. Козогистоннинг 11 та ишлаб чиқарувчиси махсулотида, гарчи «Халол» тамгаси бўлса-да, чўчка ДНКси аниқланган. Шунингдек, чўчка генлари Россияда ишлаб чиқилган махсулотларда ҳам топилган. Хусусан, «БРТ» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган 3 турдаги гўштли консерва махсулотларида чўчка гўшти борлиги маълум бўлган. «Орёлпродукт» ОАЖ ва «Йошкар-Олинский мясокомбинат» ЁАЖларига ҳам жарима солинган.

«Бу шуни аниқладики, ишлаб чиқарувчилар махсулотларни ишлаб чиқариш технологиясини кўпол равишда бузади, улар мол гўшти ва чўчка гўшtidан махсулотларни ишлаб чиқишда битта линиядан фойдаланишади. Ускуналарни етарли даражада тозаламайди, ишлаб чиқариш назоратини жиддий йўлга қўймайди, хом ашёнинг ёнма-ён оқимида рухсат беради», – дейилади вазирлик хабарида.

Манба: Кун.Уз

